



150100, Farg‘ona sh., Navoiy ko‘chasi, 15 tel.: 244-70-70
150100, г.Фергана, улица Навои, 15 тел.: 244-70-70

Жавоб кайтарилганда шу № кўрсатилсин
При ответе ссылаться на

2019 yil “ 03 ” июн № 05-34/2485

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигига**

*Сизнинг 2019 йил 4 апрелдаги
05-816-сонли топширигингизга.*

Вилоят ҳокимлиги Фарғона вилояти Данғара туманидаги “Тўлқин Данғара равнақи” номли чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари М.Мамадалиевнинг ижтимоий тармоқлар орқали жорий йилнинг 2 апрел кунги мурожаатида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Аниқланишича, М.Мамадалиев томонидан Данғара туманидаги собиқ “Охунбобоев” ширкатлар уюшмасининг 2-ширкат сут-товар фермаси 14.09.1995 йилда бўлиб ўтган “ким ошди” савдоси орқали сотиб олинган ва фермадаги мавжуд чорва ҳайвонларига ем ҳашак етиштириш учун 49,5 гектар ер майдони ажратиб берилган.

М.Мамадалиев томонидан “Зилола” хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси ташкил этилиб, Данғара тумани ҳокимининг 23.09.1995 йилдаги 383/9-сонли қарори билан ташкил этилган хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси Низоми руйҳатдан ўтказилган.

Сўнгра, “Зилола” хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси Данғара тумани ҳокимининг 29.06.2004 йилдаги 383/6-сонли қарори билан “Зилола” номли чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигига айлантирилган.

Данғара туман ҳокимининг 15.11.2015 йилдаги 930/7-сонли қарорига асосан фермер хўжалигининг ер майдонлари туман захирасига кайтарилиб, “Зилола” фермер хўжалиги билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси бекор қилинган.

Шу сабабли, М.Мамадалиев томонидан “Тўлқин Данғара равнақи” номли янги фермер хўжалиги ташкил этилиб, фермер хўжалигига Данғара тумани ҳокимининг 31.12.2015 йилдаги 1215-сонли қарорига асосан Данғара ММТП худудидаги жами 39,73 гектар, шундан 37,6 гектар экин ер майдонлари пахтачилик-ғаллачилик йўналишида ижрада фойдаланиш учун ажратиб берилган.

М.Мамадалиев томонидан ушбу бириктириб берилган ер майдонларидаги ғалладан бўшаган ер майдонларида такрорий озуқа экинларини экиш ҳисобига чорва ҳайвонлари парваришлаб келинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.01.2019 йилдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарори ижроси юзасидан Данғара туманида фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш жараёнида “Тўлқин Данғара равнақи” номли фермер хўжалигининг ер майдонлари туман заҳирасига қайтарилиб, тумандаги “Дан ҳосил” номли фермер хўжалигига мақбуллаштирилган.

Натижада, М.Мамадалиевнинг мурожаатларига асосан Данғара тумани ҳокимининг 13.04.2019 йилдаги 1595-сонли қарори билан тумандаги “Зилола” номли фермер хўжалигига Данғара ММТП ҳудудида жойлашган жами 34,7 гектар, шундан 32,7 гектар экин ер майдонлари чорвачилик йўналишида ижарага ажратиб берилди.

**Вилоят ҳокимининг
ўринбосари**

Х.Умаров